

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ ЭЛБЕК МУРОДҚОСИМОВИЧ

**ПРЕСБИАКУЗИСЛИ БЕМОРЛАРГА СУРДОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ,
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд 2025

УЎК: 616.716.1-007.272:615.3:616-007.63:004

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Абдиев Элбек Муродқосимович Пресбиакүзисли беморларга сурдологик ёрдам кўрсатиш, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш	3
Абдиев Эльбек Муродқосимович Оптимизация сурдологической помощи, диагностики и лечения пациентов с пресбиакүзисом.....	25
Abdiev Elbek Murodqosimovich Optimization of surdological care, diagnosis and treatment of patients with presbyacoussis.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of pulished works.....	53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИЕВ ЭЛБЕК МУРОДҚОСИМОВИЧ

**ПРЕСБИАКУЗИСЛИ БЕМОРЛАРГА СУРДОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ,
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2021.2.PhD/Tib1863 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насретдинова Махзуна Тахсиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

Шамсиев Жаҳонгир Фазлитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Панахиан Вафо Мустафаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

И.К. Ахунбаев номидаги Қирғизистон давлат тиббиёт академияси
(Қирғизистон Республикаси).

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020 Tib.102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 18 уй. Тел/факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 18 уй. Тел/факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси)

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.Э. Зойиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Бугунги кунда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, хусусан, ЛОР патологиясини эрта ташхислаш, касалликни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мазкур соҳада маълум натижаларга эришилди. Шунинг учун «...беморларга юқори сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш даражасини ошириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, ногиронликни камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» каби вазифалар белгиланди...»¹.

Дунё миқёсида сўнгги ўн йилликда бирламчи тиббий ёрдам босқичида сурункали сенсоневрал эшитиш пасайишининг (ССНЭП) аниқлаш учун замонавий диагностик мезонларини аниқлаштириш, эшитиш қобилиятини ташхислаш ва даволашни янги усулларини излаш, жумладан виртуал реаллик технологияларидан фойдаланиш, эшитиш функцияси ҳамда беморнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда даволашга дифференциал ёндашув замонавий оториноларингологиянинг муҳим илмий, назарий ва амалий муаммоси ҳисобланади.

Республикамизда ҳозирги вақтда ССНЭП билан касалланган кекса ва қари ёшдаги беморларни даволаш тўғрисидаги маълумотлар бутун дунёга тарқалган, баъзи насларда эшитиш қобилиятини йўқотиш даражасини ҳисобга олган ҳолда эшитишни электроакустик коррекция қилиш воситаларини танлашнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан эшитиш анализаторининг марказий бўлимларининг иштирокини баҳолаш масаласи ёритилган. Эшитиш сифатини яхшилаш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, беморнинг ижтимоий мослашувини яхшилашга қаратилган эшитишнинг ёрдамчи усулларини, хусусан, эшитиш қобилиятини эрта аниқлаш усулини ишлаб чиқиш талаб этилади ва бундаги комплекс даволашда виртуал реаллик (VR) технологияларидан фойдаланиш салоҳияти эса ўрганилмаган.

Мазкур диссертация иши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60–сонли “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5199–сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация

¹ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Кекса ва қари ёшдаги шахсларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш роли ва мавжудлигига қарамасдан, замонавий усулларни, жумладан масофавий шакл орқали бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида эшитиш қобилиятининг мавжуд диагностика алгоритмининг такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Бугунги кунда сурункали сенсоневрал эшитиши пасайган ва ёндош патологияга эга бўлган кекса одамлар сони ортиб бориб, 65 ёшгача бўлган аҳолининг 14%да эшитиш қобилиятининг бузилиши кузатилади, 65 ёшдан ошганлар орасида бу кўрсаткич 30% ни ташкил этади (Гофман В.Р., 2004, Бобошко М.Ю., 2017, Дайхес Н.А., 2021, Duchêne J., 2021).

Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) 60 ёшдан ошган шахслар орасида эшитиш пасайишининг тарқалиши ҳақидаги маълумотларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиладиган гуруҳда ССНЭП юзага келиши, ривожланиш механизмлари бўйича илмий ва клиник маълумотлар долзарбдир. Эшитиш аъзосининг физиологик ёшга нисбатан қариши (пресбиакүзис) шаклида бошланган эшитиш қобилиятининг сусайиши вақт ўтиши билан сурункали сенсоневрал эшитиш пасайишининг (ССНЭП) кўринишига эга бўлади, унинг биринчи белгилари ва ривожланиш тезлиги индивидуал бўлиб, полиморбид фонга, индивидуал хавф омилларига боғлиқдир (Patel R.N., 2018, Helzner E.P., 2011, Кунельская Н.Л., 2019).

Демографик вазиятнинг ўзгариши ва аҳоли қаришининг муаммоси, жамоат соғлиғини сақлашнинг ривожланиш тенденциясини ҳамда катта ёшдаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий-ижтимоий тадқиқотнинг заруриятини белгилайди. Коморбид патология, когнитив танқислик ва марказий эшитиш бузилишларининг мавжудлиги катта ёшдаги ССНЭП мавжуд беморларни даволашга, жумладан эшитишни протезлаш амалга оширгандан сўнг дифференциялашган ёндашувни ҳамда функционал натижалар ва бемор ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида янги ечимларни излашни талаб этади. (Кузовков В.Е., 2020, Sonnet M.H. et al., 2017, Andries Ellen et al., 2021).

Диссертация тадқиқотининг Диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 617.52-001-097-08-сонли илмий-тадқиқот режасига асосан “Одамнинг юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятдаги касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” (2019-2024 йй.) мавзусида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда даволаш ва ташхисот тадбирлари комплексини такомиллаштириш орқали тиббий ёрдам сифатини, реабилитациянинг функционал натижаларини ва пресбиакүзис аниқланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пресбиакузис аниқланган беморларда эшитишни протезлаш самарадорлигини ва уларнинг эшитиш мосламаларини қўллашга мойиллигини баҳолаш.

пресбиакузис аниқланган беморларда клиник-функционал хусусиятларни аниқлаш, коморбид ҳолатлар ва когнитив ҳолатни аниқлаштириш.

пресбиакузис аниқланган беморларда эшитишнинг нутқли, фазовий ва сифат хусусиятларини аниқлаш.

пресбиакузис аниқланган беморларда уларнинг когнитив ҳолати ва эшитиш қобилияти протез қилинганлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган усулни қўллаш билан динамикада даволаш натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2024 йиллар мобайнида Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт шифохонанинг оториноларингология бўлимида, 60 ёшдан ошган 89 нафар шахслар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида сурункали сенсоневрал эшитиш пасайишидан азият чекувчи беморларнинг эшитиш қобилиятини аудиологик текшириш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот иши сурункали сенсоневрал эшитиш пасайиши билан касалланиш ҳолатларини ретроспектив баҳолаш орқали проспектив усулида бажарилган. Тадқиқотда сўровномалар, клиник, аудиологик, психологик ва статистик тадқиқот усуллари натижаларини баҳолаш қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кекса ёшдаги беморларнинг бирламчи соғлиғини сақлашга қаратилган эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолаш билан боғлиқ маълумотлар ўрганилиб, “Эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими” веб-иловаси ишлаб чиқилган;

пресбиакузисли беморларда "Ревизия Аудио" тизимининг эшитиш машғулотлари синаб кўрилганда, ССНЭП билан оғриган беморларни комплекс реабилитация қилиш динамикасида, шу жумладан, унинг таъсири саломатликни башорат қилиш мезонлари асосидаги самарадорлиги асосланган;

реабилитация тадбирлари фонида электроакустик тузатиш мажмуасини ўз ичига олган даволашга қаратилган чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилган;

бемор шикоятларидаги ифодалар билан унинг эшитиш қобилиятини йўқотиш даражаси ўртасидаги тафовутни тонал эшитиш чегараларини ўлчаш асосида аниқлаш, марказий эшитиш органи фаолияти бузилишининг дастлабки белгиларидан бири бўлиши мумкинлиги “Эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими” веб-иловасидан фойдаланган ҳолда чуқур аудиологик текширув орқали ташхис қўйишга асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пресбиакузис аниқланган беморларда тавсия этилган эшитиш функциясининг клиник-функционал хусусиятлари, жумладан эшитиш қобилиятининг нутқли, фазовий ва сифат тавсифларини баҳолашни ўз ичига олган маълумотлар когнитив бузилишларнинг ва коморбид ҳолатнинг роли

ҳақидаги билимларни тўлдиради ҳамда катта авлод инсонларининг ҳаёт сифатини ошириш доирасида ССНЭП беморларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш учун эҳтиёжни баҳолашда амалий аҳамиятга эга.

Виртуал реаллик шароитида эшитиш машғулотларини қўллаган ҳолда, катта ёшдаги гуруҳда ССНЭП билан касалланган беморларни даволаш самарадорлигини оширувчи тавсия этилган даволаш усули беморларнинг эшитиш аппаратида (ЭА) фойдаланишини яхшилашга, шунингдек тиббий ёрдам сифатини оширишга ҳисса қўшади.

Эшитиш анализаторининг зарарланиш даражасини аниқлаш учун тузилган компьютер дастури, эрта ташхис қўйишга, даволашни ўз вақтида тайинланишга ҳисса қўшади, ҳамда пресбиакузисли беморларни текшириш учун поликлиникалар ва шифохоналарда турли мутахассисликдаги шифокорлар (оториноларингологлар, неврологлар, терапевтлар, психиатрлар ва бошқалар) амалиётида қўлланилиши мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синовдан ўтган назарий ва амалий ёндашувлар ҳамда усулларнинг қўлланилиши, беморлар сонининг етарлилиги билан белгиланган, шунингдек замонавий функционал ва статистик тадқиқот усулларининг қўлланилиши билан тасдиқланган. Иш натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққосланганлиги, ушбу хулосалар шахсий натижалардан келиб чиққанлигини кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, гериатрик популяцияда эшитиш функциясини баҳолаш усулларини тўлдирувчи виртуал реаллик технологиясидан фойдаланган ҳолда кекса ва қари ёшдаги сурункали сенсоневрал эшитиши пасайиши мавжуд беморларда эшитишнинг фазовий, нутқли ва сифат хусусиятларини баҳолаш усули ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, сурункали сенсоневрал эшитиш пасайиши мавжуд бўлган беморларни виртуал реаллик шароитида эшитиш машғулотларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш усули катта ёшдаги беморларнинг реабилитацияси ва ЭА мослашуви самарадорлигини оширади, уни сурдологик хона ва марказлар, кўп тармоқли клиникаларнинг тиббий реабилитация бўлимлари ишига жорий этилиши гериатрик популяцияда тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 2024 йил 25 сентябрдаги 6–сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор кекса ёшдаги беморларнинг эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолаш маълумотлар асосида, “Эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими” веб-илоvasи ишлаб

чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Диссертация тадқиқотлари давомида олинган натижалар кекса ёшда эшитиш қобилиятининг нутқли, фазовий ва сифат тавсифларини баҳолашни ўз ичига олган эшитиш функциясининг клиник ва функционал хусусиятлари ҳақидаги қарашларни сезиларли даражада кенгайтиради, ижтимоий ва эмоционал муаммоларнинг ифодаланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, эшитиш қобилиятини дифференциал баҳолашда когнитив бузилишлар ва коморбид патологиянинг роли тўғрисидаги билимларни яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир кадамдир. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси, буйруқ (31.07.2024 й.; №2661-7-107-ТВ/2024 сон), Андижон давлат тиббиёт институти, буйруқ (12.08.2024 й.; №87-Н), клиник амалиётга тадбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган веб-илова ёрдамида эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолаш имконияти 24/7 тиббий маслаҳат олиш имкониятини потенциал тарзда кенгайтиради, тест натижаларини малакали баҳолашга имкон беради ва беморни реабилитацияга ундайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Пресбиакузисли беморларни эшитиш машғулотлари билан даволашнинг ишлаб чиқилган усули 75% га яхшиланади, ишлаб чиқилган усулда эшитиш машғулоти ўтказилган беморларнинг эшитиш қобилиятини яхшиланиши билан тавсифланади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини оширади. Хулоса: Тонал бўсағали аудиометрия ўртасидаги ўртача эшитиш чегараларидаги фарқнинг минимал кийматлари веб-иловадан фойдаланишни тавсия этишга имкон беради. Эшитиш қобилиятини табақалаштирилган баҳолаш учун 25дБ дан ортик ва 40 дБ дан ортик эшитиш қобилияти бузилган беморларнинг субъектив ҳиссиётларини баҳолаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Пресбиакузис беморларда сурдологик ёрдам ва ташхислаш, ҳамда даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 14 сентябрдаги 9359-сонли хат юборилган.

иккинчи илмий янгилик: Пресбиакузис билан оғриган беморларда "Ревизия Аудио" тизимининг эшитиш машғулотлари ўтказилганда, ССНЭП билан оғриган беморларни комплекс реабилитация қилиш динамикасида, жумладан, унинг таъсири соғлиқни башорат қилиш мезонлари асосидаги самарадорлиги асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Дихотик тест маълумотларига кўра, барча беморларда овозли сигнални аниқлашда ўнг қулоқ етакчилик қилган. Машғулотнинг бошланиши ва тугаши пайтида ушбу гуруҳдаги нутқ хусусиятларининг ўртача қиймати ва машғулотнинг самарадорлиги 7-кундаёқ қайд этилган. Дихотик тинглаш тестини ўтказиш давомида мақсадли сўзларни таниб олиш 12,9% га, асосан, яхшироқ эшитадиган қулоқ томонидан

ошганлиги аниқланди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси, буйруқ (31.07.2024 й.; №2661-7-107-ТВ/2024 сон), Андижон давлат тиббиёт институти, буйруқ (12.08.2024 й.; №87-Н), клиник амалиётга тадбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқилган усулда эшитиш машғулотини амалга оширган беморларнинг эшитиш қобилиятини ўз-ўзини баҳолаш натижалари курс тугаганидан бир ой ўтгач, умумий баллнинг яхшиланиши билан тавсифланади, кейинги 6 ой давомида умумий эшитиш балли барқарор бўлган ва 6 ойдан кейин дастлабки кўрсаткичдан кам бўлмаган ҳолда юқориликча қолган ($p < 0,001$). Илмий янгиликнинг иктисодий самарадорлиги: Хулоса: Усулни қўллаган ҳолда комплекс реабилитация ўтказилган барча беморларда мақсадли сигналга жавоб бериш вақтини ҳисобга олиш натижалари виртуал аудиовизуал машғулот сценарийсида турли йўналишлардан узатиладиган барча сигналларга нисбатан яхшиланишини ($p < 0,001$) кўрсатди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Пресбиакузис беморларда сурдологик ёрдам ва ташхислаш ҳамда даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 14 сентябрдаги 9359-сонли хат юборилган.

учинчи илмий янгилик: Илк бор пресбиакузис билан оғриган беморларда реабилитация тадбирлари асосида электроакустик тузатиш мажмуасини ўз ичига олган даволаш чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: эшитиш машғулотлари самарадорлигини баҳолаш беморнинг ёшини, унинг когнитив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин, вақт ўтиши билан ўтказилган эшитиш машғулотлари таъсирининг барқарорлигини баҳолаш учун эса эшитишнинг виртуал реаллик технологиясидан фойдаланиб, олти ой давомида эшитишнинг нутқ ва фазовий хусусиятларини ҳар 3 ойда баҳолаш лозим. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси, буйруқ (31.07.2024 й.; №2661-7-107-ТВ/2024 сон), Андижон давлат тиббиёт институти, буйруқ (12.08.2024 й.; №87-Н), клиник амалиётга тадбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали сенсоневрал эшитиш пасайиши бор катта ёшдаги гуруҳ беморларини текшириш протоколи эшитишнинг фазовий, нутқли ва сифат хусусиятлари, жумладан прагматик шкалаларни баҳолаш учун сўровнома билан тўлдирилиши керак. Қари ёшдаги шахсларда нутқнинг шовқинда тушунарлилиги кўрсаткичининг машғулотдан олдинги даражага 6-ойга келиб пасайиши кузатилган, умумий дихотик тинглашнинг пасайиши 3-ойдаёқ аниқланган. Хулоса: Когнитив бузилишлари бўлган шахслар гуруҳида нутқнинг шовқинда тушунарлилиги ва умумий дихотик тинглаш

кўрсаткичлари ифодаланган даражада пасайган ($p < 0,05$). Реабилитация курсидан кейин 1 ой ўтгач, дихотик тинглашни яхшилаш самараси ЭА мавжуд беморлар гуруҳида юқорироқ бўлган, сўнгра кўрсаткичлар тенглашган. Эшитиш машғулоти курси давомида SSQ-12 бўйича фазовий эшитиш кўрсаткичлари ЭА бўлмаган ва ЭА мавжуд шахсларда, шунингдек кекса ёшдаги беморларда қари ёшдаги шахсларга қараганда сезиларли даражада ва статистик жиҳатдан аҳамиятли тарзда фарқ қилган ($p < 0,001$). Ҳаёт сифати кўрсаткичининг динамикаси барқарор бўлган, 1-ой охирига келиб яхшиланиш 11,45-11,63% ни ташкил этган, когнитив бузилишлари бор беморларда ўсиш 10,67% дан иборат бўлган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Пресбиакузисли беморларда сурдологик ёрдам ва ташхислаш ҳамда даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 14 сентябрдаги 9359-сонли хат юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: Бемор шикоятларидаги ифодалар билан унинг эшитиш қобилиятини йўқотиш даражаси ўртасидаги тафовутни тонал эшитиш чегараларини ўлчаш асосида аниқлаш марказий эшитиш органи фаолияти бузилишининг дастлабки белгиларидан бири бўлиши мумкинлиги “Эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими”дан фойдаланган ҳолда чуқур аудиологик текширув орқали ташхис қўйишга эришилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Эшитиш машғулотларини қўллаган ҳолда сурункали сенсоневрал эшитиш пасайиши бор беморларни даволашда қўлланиладиган усул катта ёшдаги беморларда эшитиш реабилитацияси дастурини тўлдирди. Эшитиш машғулотларининг таъсири биринчи кундан курс охиригача аста-секин ортиб боради ($p < 0,001$): мақсадли сигналга жавоб вақти 3-кунда 13-15% га яхшиланади, 7-кунга келиб, қўшимча 6% га ортади; локализация хатоси 3-кунда 49-54% га, 7-кунда қўшимча 18-22%га камади. Энг катта ўзгаришлар ён томондаги йўналишдан узатилган ва фойдаланилган виртуал сценарийда бемордан олд томонга йўналтирилган мақсадли сигналларга нисбатан кузатилган. Жами яхшиланиш 60-64% ни ташкил этди ($p < 0,001$). Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси, буйруқ (31.07.2024 й.; №2661-7-107-ТВ/2024 сон), Андижон давлат тиббиёт институти, буйруқ (12.08.2024 й.; №87-Н), клиник амалиётга тадбиқ этилди. Қари ёшдаги шахсларда нутқнинг шовқинда тушунарлилиги кўрсаткичининг машғулотдан олдинги даражага 6-ойга келиб пасайиши кузатилган, умумий дихотик тинглашнинг пасайиши 3-ойдаёқ аниқланган. Хулоса: Реабилитация курсидан кейин 1 ой ўтгач, дихотик тинглашнинг яхшиланиш самараси ЭА мавжуд беморлар гуруҳида юқорироқ бўлган, сўнгра кўрсаткичлар тенглашган. Эшитиш машғулоти курси давомида SSQ-12 бўйича фазовий эшитиш кўрсаткичлари эшитиш аппарати мавжуд шахсларда,

шунингдек кекса ёшдаги беморларда қари ёшдаги шахсларга қараганда сезиларли даражада ва статистик жиҳатдан аҳамиятли тарзда фарқ қилган ($p < 0,001$). Ҳаёт сифати кўрсаткичининг динамикаси барқарор бўлган, 1-ой охирига келиб яхшиланиш 11,45-11,63% ни ташкил этган, когнитив бузилишлари бор беморларда ўсиш 10,67% дан иборат бўлган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Пресбиакузисли беморларда сурдологик ёрдам ва ташхислаш ҳамда даволашни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарканд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 14 сентябрдаги 9359-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман, жумладан 7 та халқаро ва 3 та Республика конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шундан 7 таси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, илмий тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги исботланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида ўтказилган тадқиқотларга оид мунозарали масалаларни акс эттирувчи илмий манбалар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Маҳаллий ва жаҳон адабиёти маълумотларининг батафсил таҳлил натижалари баён этилган. Сурункали сенсоневрал эшитиши пасайишнинг тарқалганлиги, структураси, эшитиш мосламаларининг қўлланилиши, ташхислаш ва даволаш кетма-кетлигини такомиллаштириш зарурати ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тадқиқотнинг бир нечта босқичлари амалга оширилди. Тадқиқотнинг I - босқичида сўров ўтказилган 250 нафар кишининг 89% (222/250) танланган ЭА ни мунтазам қўллашган, 11% (28/250) эса танланган ЭАдан фойдаланишни тўхтатган. Аксарият 54,2% ҳолатда мосламадан қаноат ҳосил қилмасликнинг асосий сабаблари орасида беморлар ЭАни тақишда ноқулайликни қайд этишган, эшитиш қобилиятини протезлаш 28,9% сўралган шахсларда кутилган натижаларга жавоб бермаган, 10,8% эшитиши протезланган шахслар эшитиш аппаратини парвариш қилишда қийинчиликларга дуч келишган, 3,6% беморларга ЭАнинг ташқи кўриниши ёқмаган, ЭАни мунтазам равишда калибрлаш зарурати 2,5% ҳолатда қайд этилган.

Тадқиқотнинг II-босқичида 2018-2024 йиллар даврида Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-сон клиникаси оториноларингология бўлимида 60 ёшдан 90 ёшгача бўлган 89 нафар бемор, жумладан 72 нафар (80,8%) кекса ёшдаги ва 17 нафар (19,2%) қари ёшдаги бемор, 37 нафар (41,5%) аёл ва 52 нафар (58,4%) эркак текширилди. Текширилганларнинг барчасида ЛОР аъзолари кўриқдан ўтказилди, акуметрия, импедансометрия, кенгайтирилган частота диапазонида тонал бўсағали аудиометрия амалга оширилди. Тадқиқот дизайнига кўра нутқ аудиометрияси ўтказилди, оториноларинголог томонидан текширилувчиларни дихотик тинглаш амалга оширилди, сурдолог томонидан шикоятлар ва анамнези йиғилди, NHIE (Hearing Handicap Inventory For The Elderly), SSQrus-12 (The Speech, Spatial and Qualities of Hearing Scale) бўйича сўров ўтказилди. Касалхонадаги беморнинг тиббий картасида (003/х шакл) мутахассисларнинг ҳужжатлаштирилган хулосаси билан тасдиқланган ёндош патологиянинг мавжудлиги ҳисобга олинди. Барча ўрганилаётган беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

Асосий гуруҳни пресбиакузисли 72 нафар кекса ёшдаги бемор, улардан асосий А гуруҳ – 3-даражали симметрик эшитиш пасайиши бор, нутқ частоталарида ҳаво орқали товуш ўтказиш бўсағаларининг ўртача қиймати 56-70 дБ бўлган 42 нафар бемор; асосий Б гуруҳ – 2-3-даражали асимметрик эшитиш пасайиши бор, нутқ частоталарида ҳаво орқали товуш ўтказиш бўсағаларининг ўртача қиймати 41-70 дБ бўлган 30 нафар бемор ташкил этган.

Назорат гуруҳи 3-даражали симметрик эшитиш пасайиши бор, нутқ частоталарида ҳаво орқали товуш ўтказиш бўсағаларининг ўртача қиймати 56-70 дБ бўлган қари ёшдаги 17 нафар бемордан иборат эди.


Фазовий эшитиш қобилияти ва унинг сифат хусусиятларини баҳолаш натижаси тўғри жавоблар фоизи сифатида ҳисобланган бўлиб, умумий дихотик тинглашда II-даражали оғирқулоқлик қайд этилган шахсларда ўнг қулоқ учун 81,8 % гача, чап қулоқ учун 71,8% гача, III-даражали оғирқулоқлик қайд этилган шахсларда ўнг қулоқ учун 78,6 % гача, чап қулоқ учун 68,6% гача бўлса тўғри деб саналган. Йўналтирилган дихотик тинглашда тўғри жавоблар фоизи II-даражали оғирқулоқлик қайд этилган шахсларда 91%, III-даражали оғирқулоқлик қайд этилган шахсларда 82,5% бўлса тўғри деб ҳисобланилган.

Диссертациянинг **“Кекса ва қари ёшдаги беморларда ССНЭПнинг клиник ва функционал хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқот натижалари таҳлил этилган.

Эшитиш қобилияти протезланган ССНЭП бор беморларни (n=250) эшитиш аппарати самарадорлигининг Глазговский профилига (GНАВР) мувофиқ сўровдан ўтказиш натижалари барча сўралганлар, шунингдек ЭАнинг янги фойдаланувчилари (n=89) гуруҳи ўртасида баҳоланди. GНАВР бўйича эшитиш қобилияти протезланган беморларнинг сўров натижалари (1 А,Б-расм) эшитиш пасайишнинг ҳаёт сифатига (2-савол) таъсир даражасини баҳолаш гуруҳида ЭАнинг янги фойдаланувчилари ва барча эшитиши протезланган ССНЭПли беморлар учун деярли бир хил бўлганлигини ҳамда мос равишда 35 балл ва 40 баллни ташкил этганлигини ($p < 0,05$) кўрсатди.


Эшитиш қобилияти протезлангандан кейин қолдиқ қийинчиликларни баҳолаш (5-савол) юқориликча қолган ва барча сўралганлар, жумладан илк бор эшитиши протезланган беморлар орасида 30 баллни ташкил этган. Эшитиш қобилияти илк маротаба протезланганлар гуруҳида беморларнинг танланган ЭАдан қониқиши (4-савол) паст бўлган ва 35 балл билан баҳоланган. Биринчи марта эшитиши протезланган беморларда ЭАнинг фойдасини (4-савол) баҳолаш 62,4 баллни ташкил этди ва барча сўралганларнинг берган баҳоси билан деярли тўғри келди (65 балл). ССНЭПли эшитиши илк бор протезланган беморлар гуруҳида ЭАдан фойдаланиш даражаси (3-савол) сезиларли даражада паст бўлган ва максимал 100 баллдан атиги 49,7 баллни ташкил этган, ушбу ҳолат ЭА га беморларнинг мослашувини ошириш, ЭАнинг фойдасини ва ундан қониқишини баҳолашга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадбирларни излашнинг долзарблигини белгилайди

Тўртта акустик вазиятда 5 баллик баҳолашга мувофиқ ЭАнинг максимал фойдасини ўрганиш, эшитиши протезланган беморлар учун “Сукунатдаги суҳбат”, “Шовқиндаги суҳбат” ва “Телевизор томоша қилиш” вазиятида 23,6%, 22,8%, 17,6%ни ташкил этганлигини, “Гуруҳ таркибидаги суҳбат” вазияти учун максимал фойда жавоблар натижаси бўйича сўралганларнинг фақатгина 7,2%ида бўлганлигини кўрсатди (1А-расм).



1А-расм. GHABPнинг 4-саволига сўров натижалари: пресбиакузисли эшитиши протезланган беморлар (n=250) (сўралганлар улуши, фоизларда)


Эшитиш қобилияти илк бор протезланган беморлар учун максимал баҳо “Шовқиндаги суҳбат” акустик вазиятида 46,9% беморларда қайд этилган, юқори балл (4 балл) “Гуруҳ таркибидаги суҳбат” вазияти учун сўралганларнинг 61,2% да кузатилган, “Сукунатдаги суҳбат” ва “Телевизор томоша қилиш” вазияти учун ЭАдан максимал фойдани сўралганларнинг фақатгина 4,1% ва 2,0% ЭАдан янги фойдаланувчилари қайд этишган (1 А,Б-расм).



1Б-расм. Пресбиакузисли эшитиши илк бор протезланган катта ёшли беморлар (n=89) (сўралганлар улуши, фоизларда)

Гуруҳнинг, танланган ЭАнинг техник тавсифларини (асосий, иқтисод, бизнес ва премиум гуруҳлар) ҳисобга олган ҳолда, унинг эҳтимолий таъсирини баҳолаш натижаси танланган ЭАнинг техник тавсифларидан катъий назар эшитиш қобилиятидан энг паст қониқиш кекса ёшдаги беморларда бўлганлигини кўрсатди.


Клиник тадқиқот дизайни доирасида 89 нафар бемор эшитиш қобилиятининг пасайиши, кулоқларда шовқин, бош айланиши ва мувозанатнинг бузилишига шикоятлари борлиги сўралди. Гуруҳда эшитиш қобилиятининг пасайиши кучайиши билан эшитиш қобилиятининг пасайишига шикоятларнинг 100% гача бўлган юқори фоизи қайд этилади (2-расм).



2-расм. Ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларда шикоятлар частотаси

Клиник-функционал хусусиятларни баҳолаш, барча ўрганилган гуруҳларда 100% эшитиш қобилиятининг пасайишини кўрсатди, кулоқларда шовқин қари ёшдаги шахсларнинг 90% томонидан қайд этилди ва у назорат гуруҳида 82,3% ҳолатда кузатилди. Асосий гуруҳ шахсларида эшитишга шикоятлардан ташқари, 57,1% ҳолларда бош айланиши ва мувозанатнинг бузилиши қайд этилган, назорат гуруҳида эса 64,9% устунлик қилган.

Кекса ёшдаги беморларда ёндош касалликларнинг частотаси 87,1%ни, қари ёшдаги беморларда эса 89,7%ни ташкил этган, улар орасида артериал гипертензия, юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) ва остеоартрит устунлик қилган. Қандли диабетли шахслар улуши кекса ёшдаги беморлар гуруҳида уч барабар кўпроқ кузатилган ва 25,8%ни ташкил этган. Онкологик касалликларнинг учраш частотаси иккала ёш гуруҳида ҳам таққосланган (3-расм).



3-расм. Гуруҳларда эшитиш қобилиятига эҳтимолий таъсир кўрсатувчи коморбид касалликлар тарқалганлиги (%)

Ёндош касалликларнинг оғирлиги туфайли пресбиакузисли беморларни даволаш беморларни даволашда иккинчи даражали роль ўйнаши мумкин.

Шунинг учун асосий гуруҳда эшитиш қобилиятини йўқотишга олиб келадиган ёндош касалликлар орасида қиёслашни ўтказиш лозим.

Асосий А гуруҳдаги беморларда эшитиш пасайиш даражаси ошиши билан нутқли (500, 1000, 2000, 4000 Гц) ва юқори частоталар (4000, 8000 Гц) соҳасида эшитиш бўсағаларининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланган бўлиб, унинг ифодаланиши тонал бўсағали аудиометрия кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган (1-жадвал)

1-жадвал


Гуруҳлардаги беморларда ҳаво бўйича эшитишнинг ўртача бўсағалари

Гуруҳ	500, 1000, 2000, 4000 Гц нутқли частоталарда ҳаво бўйича эшитишнинг ўртача бўсағалари (дБ, ЭБУ) M±SD		4000, 8000 юқори частоталарда ҳаво бўйича эшитишнинг ўртача бўсағалари (дБ, ЭБУ) M±SD	
	AD	AS	AD	AS
Асосий А гуруҳ	32,33±3,8*	44,52±4,17	47,30±2,70	49,07±2,8*
Асосий Б гуруҳ	46,78±3,5	47,84±3,57	64,39±5,73	66,72±4,38
Назорат	41,23±3,5	40,31±3,57	61,32±5,73*	62,74±4,38*

*Изоҳ: M – ўртача қиймат, SD – стандарт оғиши, AD ўнг қулоқ, AS – чап қулоқ
* асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида ишончли фарқ*

Нутқли аудиометрияни ўтказишда сукунатда тушунарлилик фоизи ўнг қулоқ учун 32,33 ±3,8% ни, чап қулоқ учун - 44,52 ±4,17 % ни, шовқинда тушунарлилик фоизи - 49,07% ±2,8% ни ташкил этди. Асосий Б гуруҳидаги беморларда эшитиш асимметрияси дихотик тинглаш маълумотлари бўйича 23,7%га, хато танлаш улуши 3,9%га тенг бўлди.


Пресбиакузисли беморларда Спилберг-Ханин реактив ва шахсиятга оид ваҳималик шкаласининг натижалари бўйича ШВнинг РВ дан устунлиги қайд этилди, ушбу ҳолат мазкур шахсларда шахсиятнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли ваҳималикнинг ривожланишини кўрсатади (4-расм).



4-расм. Гуруҳларда Спилберг-Ханин сўровномаси бўйича реактив ва шахсиятга оид ваҳималик(балл)


Руҳий-эмоционал ҳолатни таҳлил этиш шахсиятга оид ваҳималикнинг (ШВ) ўртача даражасида реактив ваҳималикнинг (РВ) паст даражасини аниқлади, ШВ кўрсаткичи эшитиш пасайишнинг турли даражаси мавжуд беморларда фарқ қилган (p<0,001).

Когнитив функцияларни баҳолашнинг Монреал шкаласи ёрдамида (MoCA) когнитив ҳолатни баҳолаш жами 30 баллдан умумий баллнинг 25 баллгача пасайишини (23;27) аниқлади. MoCA кичик шкалаларидаги вазифаларни 100% бажарилишини баҳолашда таъкидлаш лозимки, барча пресбиакузисли беморлар “диққат” ва “нутқ” кичик шкалаларидаги вазифаларни тўлиқ бажаришган (5-расм).



5-расм MoCA кичик шкала натижалари (Me (Q1;Q3), баллар)

Энг ифодаланган ўзгаришлар "Кечиктирилган ҳолда эслаш" ва "Кўрув-конструктив кўникмалар" кичик шкалалари учун аниқланди, вазифаларни тўлиқ бажарган беморларнинг улуши мос равишда 6,1%, 36,7% ва 51,0% ни ташкил этди. Нутқ, фазовий эшитиш ва эшитиш сифати шкалаларининг умумий бали (SSQ-12) эшитиши илк бор протезланган катта ёшли беморларда 10 максимал баллдан 6,8(4,9;8,1) баллгача пасайган, аммо “Нутқни идрок этиш”, “Фазовий эшитиш” ва “Эшитиш сифати” шкалалари бўйича баҳолар деярли фарқ қилмаган. SSQ-12 сўровномаси умумий ўртача бали ва SHQ фазовий эшитиш сўровномасининг аниқланган тўғри чизиқли ижобий корреляциясини ($r_s=0,721$, при $p<0,001$) ҳисобга олган ҳолда биз SHQ сўровномасининг кичик шкалалари бўйича ЭА фойдаланувчилари асосий гуруҳида эшитишнинг фазовий, нутқли ва сифат хусусиятларининг қўшимча таҳлилини ўтказдик (6-расм).



6-расм. SHQ сўровнома шкаласининг натижалари (Me(Q1;Q3), баллар)

SHQ сўровномасининг ўртача умумий балли мумкин бўлган максимал 100 баллдан 73,1 (51,9;82.9) ни ташкил этди. Энг яхши ўз-ўзини баҳолаш "Сукунатдаги нутқ" шкаласи учун аниқланди ва у 80,0 (61,9;90,6) баллни ташкил этди, "Шовқиндаги нутқ" тинглаш қийинроқ бўлган вазият учун баҳо анча паст, яъни 72,5 (54,4; 84,4) баллга тенг бўлди. Энг паст қийматлар "Болалар овози" шкалалари учун қайд этилди ва 67,5 (52,5; 83,8) баллни ташкил этди.


Диссертациянинг **"Виртуал реаллик технологиясидан фойдаланган ҳолда эшитиш қобилияти бузилган беморларда даволаш усулининг қўлланилишини асослаш ва унинг самарадорлиги"** деб номланган тўртинчи бобида пресбиакузисни аниқлаш учун масофавий формат имкониятлари сифатида "Эшитиш қобилиятини бирламчи баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими" компьютер дастури ишлаб чиқилганлиги ёритилган. Беморларнинг мақсадли гуруҳи учун аудиометрия билан қиёсий таҳлил усулларнинг ўхшашлигини аниқлади, аксарият ҳолларда кўрсаткичлардаги фарқ 10 дБ чегарасида эди.

Асосий А гуруҳининг 13,8–15,4 фоизида 10 дБ дан ортиқ номувофиклик аниқланган ва қулоқларда шовқиннинг мавжудлиги 2,58 (95% ишонч оралиғи 1,39–4,78, $p=0,003$)ни ташкил этган, асосий Б гуруҳи учун максимал номувофиклик 10 ва 12 кГц частоталарда кузатилиб, $4,38\pm 9,50$ дБ ва $5,28\pm 10,58$ дБ ($p<0,001$) га тенг бўлган, 10 кГц частотада $2,43\pm 6,14$ дБ ($p<0,05$) ни ташкил этган. Компьютер дастури ёрдамида олинган натижаларнинг корреляция коэффиценти ва нутқли частоталар учун тонал бўсағали аудиометрия маълумотлари (0,5-4 кГц) ўнг томонда $R^2=0,769$, чап томонда $R^2=0,790$ ни, юқори частоталар учун (10 ва 12 кГц) ўнг томонда $R^2=0,779$, чап томонда $R^2=0,839$ ни ташкил этган, ушбу ҳолат иккала усулнинг чамбарчас ўзаро боғлиқлигини тасдиқлайди (7-расм).

Беморларнинг психологик ҳолатини натижага таъсири аниқланмади, когнитив бузилишлар мавжудлиги ҳиссаси максимал ўнг томондан 12 кГц, чапда 4-8 кГц эди. Аудиометрия билан таққослаганда ишлаб чиқилган компьютер дастурининг диагностик маълумот бериши анча юқори эканлиги аниқланди: ижтимоий аҳамиятга эга эшитиш қобилиятининг бузилишини аниқлаш учун назорат гуруҳидаги сезгирлик кўрсаткичи ўнг қулоқ учун 97,5%ни, чап қулоқ учун 98,1%ни, асосий Б гуруҳидаги ўзига хослик кўрсаткичи мос равишда 88,5% ва 90,6%ни ташкил этди.

Деменция олди когнитив бузилишлар асосий А гуруҳидаги беморларда (MMSE сўровномаси бўйича ўртача балл $26,5\pm 3,69$ эди) аниқланди, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача балл пастроқ бўлиб, $23,0\pm 4,88$ баллни ташкил этиб, бу энгил даражали деменцияга тўғри келади.

